

## «Ўзбекистон — ипакчилик, кулолчилик ва алломалар юрти» сарлавҳали мақола «Ал-Ямама» журнали муқовасида



17:00 / 21.06.2019 2317

Саудия Арабистонининг «Ал-Ямама» журнали саҳифаларида Ўзбекистон ҳақида туркум мақолалар чоп этилди. Бу ҳақда «Дарё»га Ўзбекистон журналистлари уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раиси Муҳаммадjon Обидов маълум қилди.

«Ал-Ямама» араб дунёсидаги энг катта тиражда нашр этилиб, энг кўп тарқаладиган журнал. Нашрнинг ҳар бир сони 45 — 50 минг нусхада чоп этилади.

Журналнинг жорий йил 13 июнь кунги сони муқовасида «Ўзбекистон — ипакчилик, кулолчилик ва алломалар юрти» сарлавҳаси ўрин олган бўлиб,

у журналнинг бош мавзуси сифатида урғуланган.

Журнал «Фарғона — Марказий Осиё гавҳари» мақоласи билан бошланади. Шунингдек, унда «Бурҳониддин Марғиноний — тириклайин дафн этилган олим», «Марғилон — ипакчилик пойтахти» ва «Риштон — кулолчилик санъати» сарлавҳали мақолалар Ар-Риёдаги Ахборот ва араб-рус тадқиқотлари маркази академик директори, Подшоҳ Сауд университети ассоциат-профессори, ўзбекистонлик Муртазо Сайдумаров таржимасида нашр этилган.

«Ал-Ямама» журнали бош муҳаррири Абдулло Ҳамад ас-Сайхан бундан кейин ҳам нашр Ўзбекистондаги зиёратгоҳлар, буюк алломалар, гўзал саёҳат масканлари ҳақида мақолалар бериб боришга тайёрлигини билдирди.